

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**БОБОЕВА НАФИСА АСАТУЛЛАЕВНА**

**МАГНИЙ КАРБОНАТЛИ ШЎРЛАНГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАР  
ВА УЛАР УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.04-Агрокимё**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences**

**Бобоева Нафиса Асатуллаевна**

Магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар ва улар унумдорлигини  
ошириш технологиясини такомиллаштириш.....3

**Бобоева Нафиса Асатуллаевна**

Луговые почвы засоленные карбонатами магния и совершенствование  
технологии повышения их плодородия.....21

**Boboyeva Nafisa Asatullayevna**

Meadow soils salted with magnesium carbonates and improvement of technologies  
increasing their fertility.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**БОБОЕВА НАФИСА АСАТУЛЛАЕВНА**

**МАГНИЙ КАРБОНАТЛИ ШЎРЛАНГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАР  
ВА УЛАР УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.04-Агрокимё**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx89 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.soil.uz](http://www.soil.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хошимов Фарход Ҳакимович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сатторов Жўрақул Сатторович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик  
Ўзбекистон Миллий университети

**Каримбердиева Амина Азимовна**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий  
ходим  
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий - тадқиқот  
институти

**Етакчи ташкилот:**

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш  
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.25/30.12.2019.Qx/V.43.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “\_\_” \_\_ соат \_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамаринсо кўчаси, 3- уй. Тел.:(+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz))

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамаринсо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги №\_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси)

**Р.Қ.Қўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор

**Ж.М.Қўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., катта  
илмий ходим

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда «дунё умумий ер майдони 13,2 миллиард гектарни ташкил этиб, шундан 12 фоизи қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун ишлатилади. Дунёда деҳқончиликда фойдаланиладиган ерларнинг 950 миллион гектари у ёки бу даражада шўрланган. Тупроқ шўрланиши бўйича рекорд кўрсаткичларга Жанубий Америка, Африка ва Осиё давлатлари эга. Дунё бўйича карбонатли шўрланган ерлар 1 млрд га ни ташкил этади»<sup>1</sup>. Бундай тупроқларда махсус мелиоратив тадбирларни қўлламасдан туриб қишлоқ хўжалик экинларидан режалаштирилган ҳосилни олиш мумкин эмас. Шунинг учун карбонатли шўрланган тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш уларнинг унумдорлигини турли хил ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тайёрланган компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш орқали сақлаш ва ошириш ҳамда бундай тупроқларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларидан режалаштирилган ҳосил олиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда шўрланган тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, улар унумдорлигини сақлаш ва оширишда турли хил органик ўғитларнинг оширилган меъёларини минерал ўғитлар фонида қўллаш каби устивор йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, шўрланган тупроқларнинг агрохимёвий, агрофизик ва биологик хоссаларини аниқлаш, органик ўғитларни минерал ўғитлар билан бирга қўллаш йўли билан улар агрохимёвий хоссаларини яхшилаш, ноқулай агрофизик хоссаларини йўқотиш, микробиологик жараёнлар фаоллиги учун оптимал шароит яратиш, бутун дунёда анъанавий органик ўғит бўлган гўнг тақчиллиги шароитида янги органик субстратларни тадқиқ қилиш, уларни шўрланган тупроқлар режимларига таъсири бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда суғориладиган шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўғитдан фойдаланишнинг самарали тизимини жорий этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва янада ошириш чораларини кўриш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу туфайли Зарафшон водийси шароитида тарқалган магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг «Крошка» навини етиштиришда компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар фонида қўллаш орқали, уларнинг агрохимёвий, агрофизик, биологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш катта амалий аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> <https://www.fao.org> 2019

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрь ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғориладиган шўрланган гидроморф тупроқларнинг агрохимёвий, агрофизик, биологик ва агромелиоратив хоссаларини ўрганиш бўйича илмий -тадқиқотлар хорижлик олимлардан В.А.Ковда, К.К.Гедройц, Н.Г.Минашина, И.Финк, О.Нестори, Л.П.Райков, Х.Трашлиев, И.Сабољч, Е.П.Папаниколау, В.В.Егоров, Э.Серва, И.Гришина, Н.Милькович ҳамда ўзбекистонлик олимлардан Д.М.Кугучков, С.ААгишева, И.Бобохўжаев, П.П.Узаков, Т.П.Пирахунов, Ф.Х.Хошимов, Т.К.Ортиков, А.У.Ахмедов, Т.О.Дониёров, О. Қурбонов, С.Азимбоев ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган. Лекин, магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар шароитида компостларни тайёрлаш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш орқали уларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасида илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг КХА-7-067-1 «Тупроқ микробиологик фаоллигини бошқариш орқали тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш усуллари» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқларда кузги буғдойни етиштиришда компостларни тайёрлаш ва қўллаш технологияларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар фониди қўллашнинг гумуснинг миқдори ва захирасига таъсирини аниқлаш;

компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўллашнинг магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар биологик фаоллигига таъсирини ўрганиш;

компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўллашнинг тупроқ физик хоссалари ва карбонатлар миқдорига таъсирини ўрганиш;

компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўллашнинг озик моддалар (аммонийли ва нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий) ўзгариш динамикасига таъсирини қайд қилиш;

кузги буғдой таркибидаги NPK миқдорига компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар фониди қўллашнинг таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой дон ҳосили ва сифатига компостларнинг таъсирини ўрганиш;

кузги буғдойнинг ўғитлардан озик элементларини ўзлаштириш коэффициентини аниқлаш;

магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқларда кузги буғдой етиштириш самарадорлигини баҳолаш;

магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар унумдорлигини ошириш агротехнологияларни такомиллаштириш мақсадида турли хил ишлаб чиқариш чиқиндиларидан компостлар тайёрлаш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш;

магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқларда етиштирилган кузги буғдойдан режалаштирилган ҳосил олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида тарқалган магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар, кузги буғдойнинг «Крошка» нави, турли хил ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тайёрланган компостлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** гумус миқдори ва захираси, озик моддаларнинг тупроқдаги динамикаси, карбонатлар миқдори, минерал ва органик ўғитлар, микроорганизмларнинг таксономик ва физиологик гуруҳларининг миқдори, NPK нинг ўсимликларда аккумуляцияси ва ўзлаштирилиши, компост тайёрлаш ва қўллаш технологияси ва уларнинг тупроқ хоссалари, кузги буғдой дон ҳосили ва сифатига таъсири.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий -тадқиқот ишидаги лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари, ўсимликда олиб борилган биометрик ўлчовлар ва фенологик кузатувлар қўйидаги методик қўлланмалар асосида олиб борилди: «Методика агрохимических анализов почв и растений», «Методика агрофизических исследований», «Методические рекомендации по оценке качества зерна», «Методы биохимического исследования растений». Олинган

натижалар математик-статистик таҳлили Microsoft Excel дастурида дисперсион усулда амалга оширилди (Б.А.Доспехов).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқларда экилган кузги буғдойни «Крошка» нави учун компостларнинг оширилган меъёрларини (40 т/га) минерал ўғитлар фонидида қўллаш самарали эканлиги аниқланган;

кузги буғдой етиштиришда компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўллашнинг магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар агрокимёвий ва агрофизик хоссаларига таъсири очиб берилган;

компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар фонидида қўллашнинг микроорганизмлар таксономик ва физиологик гуруҳларининг миқдорига таъсири асосланган;

компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан бирга қўллаш самарадорлигининг кузги буғдой дон ҳосили ва сифат кўрсаткичлари билан узвий боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли хил ишлаб чиқариш чиқиндиларидан (УзБАТ сигарета фабрикасининг тамаки чиқиндиси, Самарқанд кимё комбинати чиқиндиси-фосфогипс) компостлар тайёрлаш ва кузги буғдойнинг «Крошка» навини етиштиришда магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқларда қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

компостларни оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда кузги буғдой етиштиришда магний карбонати шўрланган ўтлоқ тупроқларда қўллаш самарадорлиги баҳоланган;

магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар унумдорлигини ошириш технологиясини такомиллаштириш ҳамда ушбу тупроқларда етиштирилган кузги буғдойдан 60-70 ц/га дон ҳосилини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг дала, лаборатория ва ишлаб чиқариш усулларида фойдаланган ҳолда, статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, тадқиқот маълумотлари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий ва амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва маҳаллий журналларда чоп этилганлиги натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқларда экилган кузги буғдойни «Крошка» нави учун компостларнинг оширилган меъёрларини (40 т/га) минерал ўғитлар фонидида қўллаш самарали эканлигининг аниқланганлиги, кузги буғдой етиштиришда компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўллашнинг



магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар агрокимёвий ва агрофизик хоссаларига таъсирининг очиб берилганлиги, компостларни минерал ўғитлар фониди қўллашнинг микроорганизмлар таксономик ва физиологик гуруҳлари миқдорига таъсирининг асосланганлиги, компостларнинг ўғитларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан бирга қўллаш самарадорлигининг кузги буғдой дон ҳосили ва сифат кўрсаткичлари билан узвий боғлиқлигининг аниқланганлиги ҳамда ушбу тупроқлар унумдорлигини оширишга қаратилган технологияларини такомиллаштирилганлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, турли хил ишлаб чиқариш чиқиндиларидан компостлар тайёрлаш ва уларни Зарафшон водийси шароитида тарқалган магний карбонат билан шўрланган ўтлоқи тупроқларда кузги буғдой етиштиришда оширилган меъёрларини минерал ўғитлар фониди қўллаш технологияси ишлаб чиқилиши, тупроқ таркибидаги гумус миқдори ва захирасини ортиши, тупроқ микробиологик жараёнларининг активлишиши, тупроқнинг ноқулай агрофизик хоссаларини бартараф этилиши, тупроқдаги ҳаракатчан озиқа моддалари миқдори ва сингдириш сиғимини ошиши, қишлоқ хўжалик экинларига токсик таъсир кўрсатадиган магний карбонати миқдорининг камайиши ҳамда кузги буғдойдан 60-70 ц/га дон ҳосилини олишида асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар ва улар унумдорлигини ошириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар учун минерал ( $N_{200}P_{150}K_{100}$ ) ҳамда органик (40 т/га) ўғитларнинг мақбул қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган ҳамда Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманининг «Туроб бобо», «Рафик» ҳамда «Бахриддинов Шохжахон» номли ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жами 50 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 02/025-2301-сон маълумотномаси). Натижада кузги буғдойнинг «Крошка» навидан магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлардан қўшимча 15-20 ц/га дон ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдой дон ҳосили ва сифатини оширишга қаратилган мақбул ўғит қўллаш миқдорлари ва муддатлари (органик ўғитларнинг ҳамда калийли ва фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёрининг 100 % и кузги шудгор остига, азотли ўғитларнинг 30 % и экишдан олдин, 35 % и эрта баҳорда тўпланиш фазасида биринчи озиклантириш сифатида, 35 % и кузги буғдойнинг бошоқлаш фазасида иккинчи озиклантириш сифатида қўллаш) тавсия этилган ва магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқли «Туроб бобо» фермер хўжалигининг 23 гектар ер майдонига амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 02/025-2301-сон маълумотномаси). Натижада магний карбонатли шўрланган ўтлоқ тупроқлар гумус миқдори 0,16 % га, гумус захираси 4,78 т/га га ошишига, тупроқ таркибидаги кальций карбонатлар миқдори 2,7 % га, магний карбонатлар

миқдори эса 1,3 % га камайишига ва тупроқ зичлигининг 0,02 г/см<sup>3</sup> га пасайишига эришилган;

магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар унумдорлигини оширишга қаратилган агротехнологияларни такомиллаштириш мақсадида турли хил ишлаб чиқариш чиқиндиларидан компостлар тайёрлаш ва қўллаш технологияси ишлаб чиқилган ва Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани «Бахриддинов Шохжахон» фермер хўжалигининг 9 гектар ер майдонига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 02/025-2301-сон маълумотномаси). Натижада ўсимликнинг тупроқдан озика элементларини ўзлаштириш коэффициентини азот бўйича 41,51%, фосфор бўйича 21,91% ҳамда калий бўйича 30,71 % га тенг бўлишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий изланишларни маълумотлари асосида жами 9 та илмий мақолалар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосида илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг тузилиши кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалар баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертация биринчи бобининг «**Магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари**» деб номланган биринчи қисмида магний карбонатлари билан шўрланган ўтлоқи тупроқларда органик ўғитлардан самарали фойдаланишда минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш бўйича тадқиқотлар натижалари батафсил ёритилган адабиётлар таҳлил қилинган. Ушбу бобнинг иккинчи қисмида «**Ўтлоқи тупроқларнинг унумдорлигини ошириш йўллари**» бўйича тадқиқот материаллари келтирилган бўлиб, Зарафшон водийси шароитида тарқалган магний карбонатли ўтлоқи тупроқларда турли хил органик ўғитлар турлари ва меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги асослаб берилган. «**Компостларни кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсири**» деб номланган биринчи бобнинг учинчи қисмида кузги буғдой учун

минерал ва органик ўғитлар, шу жумладан гўнг ва компостларни (турли хил ишлаб чиқариш чиқиндилари ва гўнгдан тайёрланган) қўллаш самарадорлиги ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби – «Тадқиқот ўтказиш иқлим ва тупроқ шароитлари, схемаси ва методикаси» да тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг географик жойлашуви, минтақанинг иқлими, тажриба даласи тупроқларининг агрофизик ва агрохимёвий хоссалари, ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва минерализацияси, тажриба схемаси, тадқиқот ўтказиш услуги ва шароитлари ҳақида маълумот берилган.

Зарафшон водийсида жойлашган Тайлоқ туманининг иқлими кескин континентал бўлиб, кундузги ҳароратнинг юқори йиллик амплитудаси ўзгариши билан ўртача йиллик ҳаво ҳарорати  $+12,9^{\circ}\text{C}$  га тенг бўлади, совуқ кунларнинг энг узоқ давомийлиги 184 кунни ташкил этади. Тумандаги энг кўп ёғингарчилик бўладиган давр баҳор-қиш мавсумларига, максимум, март ойига (63 мм) тўғри келиб, минимал ёғингарчилик бўладиган давр июль-август (1 мм) га тўғри келади. Йилнинг совуқ давлари (ноябрь-март)да ёғингарчиликлар миқдори иссиқ давр (апрель-октябрь)лардагига нисбатан 1,8 марта кўп тушади. Ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 350 мм га тенг бўлади.

Дала тажрибалари Зарафшон водийси шароитида тарқалган магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқларда ўтказилди. Тадқиқотлар ўтказишдан олдин тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус - 1,15-1,18 %, ялли азот - 0,119 %, ялли фосфор - 0,195 % ва ялли калий - 2,78 % ни ташкил этди.

Карбонатлар билан шўрланган ўтлоқи тупроқларнинг тупроқ профилининг асосий морфологик хусусияти барқарор карбонатлилиқ, тупроқ сингдириш комплексининг ишқорий-ер металллар асослари билан юқори даражада тўйинганлиги, айниқса кальций (10,8 мг/экв) ва магний катионлари билан (6,1 мг/экв).

Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги тажриба участкаси тупроқлари-магний карбонати билан шўрланган ўтлоқи тупроқлар Зарафшон водийсининг аллювиал ётқизиқларида ҳосил бўлган. Ушбу тупроқларнинг механик таркиби енгил ва ўрта қумоқ бўлиб, физик лой миқдори 26,1-39,5% ни ташкил этади. Карбонатли тузлар тўпланиши натижасида ҳосил бўлган цементлашган қатламлар (шўх қатлам) тупроқ зичлигини ( $1,38\text{ г/см}^3 - 1,40\text{ г/см}^3$ ) ошиши, аэрация ва сув ўтказувчанлигини камайишига олиб келади.

Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида дала тажрибалари 2005-2009 йилларда қуйидаги схема асосида ўтказилди: 1 вариант – ўғитсиз, 2 вариант – 20 т/га гўнг, 3 вариант – 40 т/га гўнг, 4 вариант – 20 т/га компост, 5 вариант – 40 т/га компост, 6 вариант – 20 т/га гўнг +  $\text{N}_{200}\text{P}_{150}\text{K}_{100}$ , 7 вариант – 40 т/га гўнг +  $\text{N}_{200}\text{P}_{150}\text{K}_{100}$ , 8 вариант 20 т/га компост +  $\text{N}_{200}\text{P}_{150}\text{K}_{100}$ , 9 вариант 40 т/га компост +  $\text{N}_{200}\text{P}_{150}\text{K}_{100}$ , 10 вариант –  $\text{N}_{200}\text{P}_{150}\text{K}_{100}$ .

Ҳар бир пайкалчанинг майдони  $216\text{ м}^2$ , қатор узунлиги 30 м, қатор эни 7,2 м; пайкалчанинг кузатув майдони  $108\text{ м}^2$  ни ташкил этди. Дала тажрибаларида вариантлар бир ярусда 4 такрорда жойлаштирилди. Биринчи назорат варианты

Ўғитларсиз жойлаштирилди. Органик ўғитларнинг ҳар хил турлари ва меъёрлари 40 см чуқурликка кузги шудгор остига берилди, минерал ўғитлар  $N_{200}P_{150}K_{100}$  меъёрида қўлланилди. Калийли ва фосфорли ўғитлар йиллик нормасининг 100 % и органик ўғитлар билан бирга шудгор остига берилди. Азотли ўғит сифатида 200 кг таъсир этувчи модда сифатида аммиакли селитрадан фойдаланилди. Азотли ўғитларнинг йиллик нормаси кузги буғдойнинг вегетация даври давомида уч марта бўлиб берилди. Аммиакли селитранинг 30 % и экишдан олдин, 35 % и эрта баҳорда, биринчи озиклантириш сифатида ва 35 % - бошоқлаш фазасида, кузги буғдойни иккинчи озиклантириш сифатида берилди. Тажрибада кузги буғдойнинг «Крошка» нави уруғлари 5 млн дона меъёрида экилди.

Экспериментал тажрибада қуйидаги ўғит турларидан фойдаланилган:

1) яримчириган гўнг (намлик даражаси-75%, N-0,5%,  $P_2O_5$ -0,25%,  $K_2O$ -0,6%). Ярмчириган гўнг янги гўнгни қатма-қат ва зич қилиб жойлаб тайёрланди. Гўнг маълум баландликка етгунга қадар зичланди ва устидан тупроқ билан қопланди. Ярмчириган гўнг 3-4 ойда тайёр бўлди; 2) компостлар (намлик даражаси-78%, N -0,74%,  $P_2O_5$ -0,32%,  $K_2O$ -0,83%). Тадқиқот ишларида «Ўз БАТ» сигарета фабрикасининг тамаки чиқиндилари, Самарқанд кимё комбинати чиқиндиси – фосфогипс ва гўнгдан тайёрланди. Бир тонна тамаки чиқиндиларига 500 кг гўнг ва 100 кг фосфогипс қўшилди. Компостларнинг таркибий қисмлари – тамаки чиқиндилари - гўнг-фосфогипс тартиб билан қатма - қат қилиб жойланди ва маълум баландликка етгач, 15 см қалинликда тупроқ билан қопланди, шу билан бирга намлик даражаси 85 % НВ да ушлаб турилган; 3) аммиакли селитра  $NH_4 NO_3$  (34 %); 4) аммофос  $NH_4 H_2PO_4$  (N – 11 %,  $P_2O_5$  – 44-46 %); 5) калий хлорид  $KCl$  (60 %). Агрокимёвий тадқиқотлар Доспехов дала тажрибаси бўйича олиб борилган бўлиб, қуйидаги агрокимёвий ва микробиологик таҳлиллар асосида ўтказилган:

1) тупроқ агрокимёвий таҳлиллари: гумус миқдори Тюрин усулида; гумус захираларини аниқлаш – ҳисоблаш йўли билан; сувли сўрим; ялпи  $NRK$  Малцева-Гриценко усулида, тупроқдаги калций ва магний карбонатларининг миқдори Шмук усулида, тупроқнинг сингдириш сиғими Гедройц усулида, аммонийли азотни Несслер реактиви ёрдамида, нитратли азотни Грандвальд Ляжу, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калийни Мачигин – Протасов усулларида аниқланди; 2) ўсимлик таҳлиллари: ялпи  $NRK$  - Гинзбург, Шеглова ва Вильфус усулида; оксил миқдори – Барнштейн усулида; 1000 та дон массаси (ГОСТ-10842-86); доннинг шишасимонлиги (ГОСТ-10887-86); клейковина миқдори (ГОСТ-13586-86); дон натураси (ГОСТ-9353-86); 3) микробиологик таҳлиллар – бактериялар сони МПА муҳитида, замбуруғларлар сони Чапек муҳитида; актиномицетлар сони КАА муҳитида; 4) фенологик кузатишлар – кузги буғдойнинг униб чиқиш, тўпланиш, найчалаш, бошоқлаш, гуллаш ва пишиш фазаларида олиб борилган; 5) биометрик ўлчашлар ва фенологик кузатишлар ВИР, Дон ва дуккакли дон экинлари институти усулларида ўтказилган. Тадқиқот натижалари Доспехов (1985) бўйича математик – статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «Тупроқдаги озуқа моддаларига компостларни уч йил мобайнида қўллаш» да компостларнинг магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлардаги гумус миқдори, карбонатлар миқдори, тупроқнинг биологик фаоллиги, агрофизик хоссалари, озуқа моддаларининг динамикасига таъсири ёритилган.

Тажрибаларимизда ўғитсиз назорат вариантнинг ҳайдов қатламида (0-30 см) гумус миқдори тажриба бошидан охирига қадар 0,06 % га камайганлиги кузатилди. Органик ўғитларнинг ҳар хил турлари ва меъёрлари минерал ўғитлар фонида қўлланилган вариантларда гумус миқдори 0,05 - 0,09 % гача ошиши кузатилди (1-жадвал).

Тадқиқотларимизда органик ўғитларнинг ҳар хил турлари ва меъёрларининг минерал ўғитлар фонида қўлланилган вариантларда гумус захираси гумус миқдорининг ўзгариши тенденцияси бўйича ўзгариб борди (1-жадвал).


1- жадвал

**Компостларнинг тупроқ ҳайдалма қатламдаги (0-30 см) гумуснинг миқдори ва захирасига таъсири**

№	Вариантлар	2005 йил, куз		2009 йил, куз		Йиллар бўйича фарқ		Назоратга нисбатан	
		%	т/га	%	т/га	%	т/га	%	т/га
1	Ўғитсиз назорат	1,16	48,02	1,10	45,87	-0,06	-2,15	-	-
2	20 т/га гўнг	1,15	47,26	1,21	49,00	0,06	1,74	0,11	3,13
3	40 т/га гўнг	1,16	48,02	1,24	49,85	0,08	1,83	0,14	3,98
4	20 т/га компост	1,18	48,50	1,24	50,22	0,06	1,72	0,14	4,35
5	40 т/га компост	1,17	48,44	1,26	50,65	0,09	2,21	0,16	4,78
6	20 т/га гўнг NPK	1,15	47,61	1,20	48,96	0,05	1,35	0,10	3,09
7	40 т/га гўнг NPK	1,16	47,68	1,22	49,04	0,06	1,36	0,12	3,17
8	20 т/га компост NPK	1,15	47,61	1,20	48,96	0,05	1,35	0,10	3,09
9	40 т/га компост NPK	1,17	48,09	1,23	49,81	0,06	1,72	0,13	3,94
10	N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	1,16	38,28	1,07	44,94	-0,09	-3,08	-0,03	-0,93


Компостлар тупроқни органик моддалар билан бойитиб, микроорганизмларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратади. Тажрибаларимизда микроорганизмларнинг таксономик гуруҳларидан бактериялар (миллион/ г тупроқ), замбуруғлар (минг/г тупроқ) ва актиномицетлар (миллион/г тупроқ) миқдори ўрганилди. Ўғитсиз назорат вариантыда микроорганизмлар сони қуйидагича бўлди: бактериялар - 16 миллион /г, замбуруғлар - 25 минг/г ва актиномицетлар - 10 миллион/г тупроқ. Органик ўғитларнинг ҳар хил турлари ва меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўлланилган вариантларда микроорганизмларнинг миқдори, органик ўғитлар ҳисобига тупроқнинг микроорганизмлар билан бойиши ва тупроққа минерал ўғитлар билан биргаликда микроорганизмлар учун осон ўзлаштириладиган озик моддаларининг келиб тушиши эвазига ошди. Бу

вариантларда бактериялар сони 68 - 78 миллион/г тупроқ; замбуруғлар – 74-84 минг/г тупроқ; актиномицетлар -33 – 40 миллион/г тупроқни ташкил этди (1-расм).



1-расм. **Компостларнинг магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлардаги микроорганизмларнинг таксономик гуруҳларига таъсири**

Тадқиқотларимиз доирасида ўтказилган микробиологик таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўғитсиз назорат вариантыда аммонификаторлар сони 15 млн /г тупроқ, 40 т/га компост минерал ўғитлар фонида киритилганда 78 млн/г тупроқни ташкил этди. Органик ўғитларнинг турли хил турлари ва меъёрлари минерал ўғитлар билан биргаликда қўлланилган вариантларда нитрификаторлар сонининг юқори даражада ошиб бориши кузатилди (2-расм).



2-расм. **Компостларнинг магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлардаги микроорганизмларнинг физиологик гуруҳларига таъсири**

Тажриба бошида ҳамда охирида ўтказилган агрофизик таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўғитсиз назорат ҳамда фақатгина минерал ўғитлар қўлланилган вариантларда тупроқнинг ҳайдов қатламида (0-30 см) тупроқ зичлиги ошиб борган бўлса, органик ўғитларнинг ҳар хил турлари ва меъёрлари қўлланилган вариантларда ҳамда уларни минерал ўғитлар фонида қўлланилган вариантларда тупроқ зичлиги яхши томонга ўзгарди ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг илдизи яхши ривожланиши учун қулай шароит яратди (2-жадвал).

**Компостларнинг тупроқ зичлигига таъсири, г/см<sup>3</sup> (0-30 см)**

№	Вариантлар	2005 й. куз	2009 й куз
1	Ўғитсиз назорат	1,38	1,39
2	20 т/га гўнг	1,37	1,35
3	40 т/га гўнг	1,38	1,34
4	20 т/га компост	1,37	1,35
5	40 т/га компост	1,38	1,34
6	20 т/га гўнг NPK	1,38	1,36
7	40 т/га гўнг NPK	1,37	1,34
8	20 т/га компост NPK	1,38	1,36
9	40 т/га компост NPK	1,37	1,35
10	N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	1,38	1,40

Назорат вариантыда 100 г тупроқдаги сингдирилган Ca<sup>++</sup>, Mg<sup>++</sup>, K<sup>+</sup> ва Na<sup>+</sup> катионлари 10,8; 6,1; 0,8 ва 0,17 мг/экв ни ташкил этган бўлса, фақат минерал ўғитлар (N<sub>200</sub>P<sub>150</sub>K<sub>100</sub>) қўлланилган вариантдаги ушбу кўрсаткичлар 11,0; 6,0; 1,0 ва 0,17 мг/эквни ташкил этди, 40 т/га компостни минерал ўғитлар (N<sub>200</sub>P<sub>150</sub>K<sub>100</sub>) билан бирга қўлланилган тўққизинчи вариантда 11,9; 5,2; 1,3 ва 0,19 мг/экв ни ташкил этди (3-жадвал). Тупроқнинг сингдириш сиғими, 40 т/га компост минерал ўғитлар фонида қўлланилган (N<sub>200</sub>P<sub>150</sub>K<sub>100</sub>) вариантда 18,59 мг/экв ни ташкил этган бўлса, ўғитларсиз назорат вариантыда 17,78 мг/экв ни ташкил этди (3-жадвал).


3-жадвал

**Компостларнинг карбонатлар ва сингдирилган катионлар миқдорига таъсири**


№	Вариантлар	Карбонатлар, %		100 г тупрода мг/экв ҳисобида				
		CaCO <sub>3</sub>	MgCO <sub>3</sub>	Ca <sup>++</sup>	Mg <sup>++</sup>	K <sup>+</sup>	Na <sup>+</sup>	Жами
1	Ўғитсиз назорат	20,3	6,7	10,8	6,1	0,8	0,17	17,78
2	20 т/га гўнг	18,5	6,1	11,3	5,8	0,9	0,17	18,17
3	40 т/га гўнг	18,0	5,9	11,6	5,6	1,0	0,17	18,37
4	20 т/га компост	18,3	6,0	11,5	5,7	1,0	0,18	18,38
5	40 т/га компост	17,8	5,7	11,8	5,5	1,1	0,18	18,58
6	20 т/га гўнг N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	18,3	5,8	11,4	5,8	1,0	0,17	18,37
7	40 т/га гўнг N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	17,9	5,5	11,7	5,5	1,2	0,17	18,57
8	20 т/га компост N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	18,1	5,8	11,6	5,5	1,1	0,18	18,38
9	40 т/га компост N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	17,6	5,4	11,9	5,2	1,3	0,19	18,59
10	N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	20,0	6,4	11,0	6,0	1,0	0,17	18,17

Компостлар қўлланилган вариантларда, озика моддаларининг миқдори (аммонийли азот, нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий) гўнг киритилган вариантлардан устун келди. Органик ўғитларни минерал ўғитлар билан биргаликда қўллашнинг самараси, органик ўғитларнинг ўртача ва оширилган меъёрларини, минерал озикланиш фонида қўлланилган


вариантларда озика моддалрининг миқдори ошиб боришида ўз аксини топди (3, 4, 5, 6-расмлар).



3-расм. Кузги буғдой экинида компостларнинг тупроқдаги аммоний шаклидаги (N-NH<sub>4</sub>) азот миқдорига таъсири, мг/кг да (хайдов қатлам, 0-30 см; ўртача 2005-2009 йиллар)




4-расм. Кузги буғдой экинида компостларнинг тупроқдаги нитрат (N-NO<sub>3</sub>) шаклидаги азот миқдорига таъсири, мг/кг да (хайдов қатлам, 0-30 см; ўртача 2005-2009 йиллар)



5-расм. Кузги буғдой экинида компостларнинг тупроқдаги ҳаракатчан фосфор (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) миқдорига таъсири, мг/кг да (хайдов қатлам, 0-30 см; ўртача 2005-2009 йиллар)





6-расм. Кузги буғдой экинида компостларнинг тупроқдаги алмашувчан калий ( $K_2O$ ) миқдorigа таъсири, мг/кг да (хайдов қатлам, 0-30 см; ўртача 2005-2009 йиллар)

«Компостларнинг кузги буғдой маҳсулдорлигига таъсири» деб номланган диссертациясининг тўртинчи бобида компостларнинг кузги буғдой таркибидаги ялпи NPK миқдorigа таъсири, кузги буғдойнинг дон ҳосили ва сифати, кузги буғдойнинг озуқа моддаларини ўғитлардан фойдаланиш коэффициентлари бўйича тадқиқотлар натижалари батафсил баён этилган.

Кузги буғдой донида ўғитсиз назорат вариантыда ялпи азот миқдори 2,31 % ни ташкил этди. Ҳар хил органик ўғитларнинг турлари ва меъёрлари қўлланилган вариантларда 2,33- 2,45 % бўлди. Сомонда ва илдизда ялпи азот миқдори ўғитсиз назорат вариантыда 0,42 % ва 1,19 % ни ташкил этган бўлса, органик ўғитларнинг ҳар хил турлари ва меъёрлари минерал озикланиш фонидида қўлланилган вариантларда 0,54-0,64 % ва 1,30-1,34 % ни ташкил этди.


4-жадвал

Компостларнинг кузги буғдой таркибидаги ялпи NPK миқдorigа таъсири, қуруқ моддага нисбатан фоизларда (2009 й)

№	Вариантлар	Донда, %			Сомонда, %			Илдизда, %		
		N	P	K	N	P	K	N	P	K
1	Ўғитсиз (назорат)	2,31	0,58	0,48	0,42	0,14	0,81	1,19	0,17	0,53
2	20 т/га гўнг	2,33	0,60	0,66	0,45	0,15	0,99	1,20	0,18	0,73
3	40 т/га гўнг	2,41	0,63	0,74	0,49	0,18	1,10	1,24	0,20	0,89
4	20 т/га компост	2,39	0,64	0,67	0,47	0,16	1,02	1,23	0,19	0,75
5	40 т/га компост	2,45	0,75	0,75	0,50	0,19	1,13	1,31	0,25	0,9
6	20 т/га гўнг N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	2,47	0,71	0,66	0,54	0,18	1,05	1,30	0,24	0,87
7	40 т/га гўнг N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	2,59	0,72	0,68	0,61	0,19	1,11	1,32	0,25	0,93
8	20 т/га компост N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	2,63	0,71	0,67	0,58	0,19	1,07	1,33	0,24	0,88
9	40 т/га компост N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	2,65	0,72	0,71	0,64	0,19	1,13	1,34	0,25	0,95
10	N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	2,48	0,70	0,63	0,51	0,19	0,83	1,31	0,27	0,64


Кузги буғдой донида, сомонида ва илдизда ялпи фосфор ҳамда калий миқдорлари органик ўғитларнинг оширилган ва ўртача меъёрларининг минерал ўғитлар фонидида қўллашга боғлиқ бўлди (4-жадвал).

Кузги буғдой дон ҳосили органик ўғитларни минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш натижасида кескин ошди. Ўғитсиз назорат вариантыда кузги буғдой “Крошка” навининг дон ҳосили 23,54 ц/га ни ташкил этган бўлса, компостларни меъёри 40 т/га га ошганда минерал ўғитлар фонидида, ўғитсиз назорат вариантыга нисбатан қўшимча 47,05 ц/га кузги буғдой дон ҳосилини олишга эришилди. Фақатгина минерал ўғитлар қўлланилган вариантда қўшимча 24,53 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилди (7 – расм).



7 - расм. Компостларнинг кузги буғдой дон ҳосилига таъсири, ц/га

**Компостларнинг кузги буғдой дон сифатига таъсири.** Ўғитларнинг таъсири натижасида кузги буғдой ҳосилининг структураси ҳам ўзгариб боради. Компостлар кузги буғдой дон натураси ва шишасимонлигига, дон таркибидаги оқсил, клейковина, крахмал миқдориغا, 1000 га дан массасига ижобий таъсир кўрсатади. Ўғитсиз назорат вариантыда кузги буғдой донидаги оқсил миқдори 11,56 % ни ташкил этди. Органик ва минерал ўғитларни алоҳида-алоҳида киритиш ёки уларни биргаликда қўллаш дон таркибидаги оқсил миқдорини 1,75-3,0 % га оширди. Дон таркибидаги клейковина миқдори ҳам шу йўсинда ўзгариб борди. Агар ўғитсиз назорат вариантыда дон таркибидаги клейковина миқдори 30,2 % ни ташкил этса, турли даражада ўғитланган вариантларда унинг миқдори 1 – 2,7 % га ошиб борди (8-расм).



8- расм. Компостларнинг кузги буғдой дон сифатига таъсири (2009 й)

Тадқиқотлар натижасида кузги буғдой дон таркибидаги крахмалнинг органик ва минерал ўғитлар қўлланилган вариантларда камайиши кузатилди. Агар ўғитсиз назорат вариантыда унинг миқдори 50 % бўлган бўлса, органоминерал ўғитлар қўлланилганда 44 - 46 % га тенг бўлди. Шунингдек, кузги буғдой донининг шишасимонлиги ҳам, асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб, компостлар таъсирида бу кўрсаткич ижобий томонга ўзгариши кузатилди. Органоминерал ўғитлар таъсирида доннинг шишасимонлиги 8-11 % га ошди (8-расм).

Кузги буғдой донининг яна бир сифат кўрсаткичларидан бири бу дон натураси ҳисобланади ва г/литрларда ифодаланади. Ўғитсиз, назорат вариантыда кузги буғдой дон натураси - 790 г/л ни ташкил этган бўлса, ўғитланган вариантларда бу кўрсаткич 10-20 г/л га ошиб борди. Ўғитсиз назорат вариантыда кузги буғдой 1000 га дон массаси 40,76 г ни ташкил этиб,

Ўғитланган вариантларда кузги буғдой 1000 та дон массаси мос равишда 9,06 г дан 12,69 г гача ошди (8-расм).

**Кузги буғдойнинг ўғитлардан озика элементларини (NPK) ўзлаштириш коэффиценти.** Магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқларда кузги буғдойни етиштиришда энг юқори самарадорлик органоминерал ўғитларни бирга қўлланилганда кузатилди.

Компостларни қўллаш натижасида озика моддаларини (NPK) кузги буғдой томонидан ўзлаштириш коэффиценти ўғит нормаларига ва минерал ўғитлар билан биргаликда қўллашга боғлиқ бўлди ҳамда 40 т/га компостни минерал ўғитлар фонида қўлланилган вариантди азот, фосфор ва калий бўйича 41,54%; 21,91%; 30,71 % ни ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

**Кузги буғдойнинг ўғитлардан озика моддаларини ўзлаштириш коэффиценти, %**

№	Вариантлар	Гўндан			Компостдан			Минерал ўғитлардан		
		N	P	K	N	P	K	N	P	K
1	Ўғитсиз (назорат)									
2	20 т/га гўнг	25,16	14,30	22,92						
3	40 т/га гўнг	23,19	14,35	21,10						
4	20 т/га компост				27,81	18,72	24,71			
5	40 т/га компост				25,87	21,02	21,76			
6	20 т/га гўнг N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	39,94	21,94	44,86						
7	40 т/га гўнг N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>	39,89	19,89	31,29						
8	20 т/га компост N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>				47,01	24,05	40,10			
9	40 т/га компост N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>				41,54	21,91	30,71			
10	N <sub>200</sub> P <sub>150</sub> K <sub>100</sub>							40,62	17,81	40,75

**ХУЛОСАЛАР**

1. Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида тарқалган магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар шароитида, «Ўз БАТ» сигарета фабрикаси тамаки чиқиндиси, гўнг ва Самарқанд кимё комбинати чиқиндиси фосфогипсдан 1:0,5:0,1 нисбатда тайёрланган компостлар ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда долзарб бўлиб турган гўнгнинг ўрнини муваффақиятли боса олади.

2. Компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар фонида қўллаш натижасида тупроқнинг биологик фаоллиги ошади, натижада тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизик хоссалари яхшиланади, тупроқнинг зичлиги камади, сув ва ҳаво хоссалари яхшиланади. Бу эса ўз навбатида тупроқ унумдорлигининг ошишига олиб келади.

3. Компостлар –тупроқ зичлигини 0,02 г/см<sup>3</sup> га камайтиради, тупроқнинг сув, ҳаво ва озика режимларини яхшилади, бу эса қишлоқ хўжалиги экинлари илдизларининг яхши ривожланиши учун қулай шароит яратиши билан изоҳланади.

4. Компостларнинг оширилган меъёрларини минерал ўғитлар фонида қўллаш магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар таркибидаги карбонатлар миқдорини камайтиради: 40 т/га компостни минерал ўғитлар

фонида қўллаш натижасида кальций карбонат миқдори 20,3% дан 17,6% гача, магний карбонат миқдори эса 6,7 % дан 5,4% гача камайиши кузатилади.

5. Тупроққа органик моддалар келиб тушушининг кўпайиши билан тупроқ биологик фаоллиги ҳам ошади. Компостларнинг оширилган меъёрини минерал ўғитлар фонида қўллаш тупроқдаги бактериялар сонини назоратга нисбатан 62 млн/г тупроқ, замбуруғлар сонини 58 минг/г тупроқ, актиномицетлар сонини 29 млн/г тупроқ, аммонификаторлар сонини 61 млн/г тупроқ ва нитрификаторлар сонини 41 минг/г тупроққа оширади.

6. Тупроққа компостларни оширилган меъёрларини минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш аммиакли азот миқдорини 17,5 мг/кг дан (экишдан олдин) 41,1 мг/кг гача (бошоқлаш фазасида, иккинчи озиклантиришдан кейин), нитратли азот миқдорини – 19,0 мг / кг дан 47,7 мг / кг гача, ҳаракатчан фосфор миқдорини – 27,1 мг / кг дан 48,7 мг/кг гача, алмашувчан калий миқдорини 220 мг/кг дан 307 мг/кг гача ошиши кузатилади.

7. Компостларни оширилган меъёрлари (40 т/га) минерал ўғитлар ( $N_{200}P_{150}K_{100}$ ) фонида киритиш кузги буғдой донида азот, фосфор ва калийнинг миқдори ошади ва мос равишда 2,65; 0,72 ва 0,71% ни, сомонда – 0,64; 0,19 ва 1,13 % ни, илдизда – 1,34; 0,25 ва 0,95 % ни ташкил этади.

8. Компостларнинг оширилган меъёрларини 40 т/га компост минерал ўғитлар фонида қўллаш натижасида назоратга нисбатан оксил миқдори 3 % га, клейковина 2,7 % га, дон шишасимонлиги 11 % га, дон натураси 20 г/л га ва 1000 та дон массаси –12,69 граммга ошади.

9. Тупроқ таркибидаги органик моддалар миқдорининг ошиши билан ўсимликларнинг ўғитлардан озика элементларини ўзлаштириш коэффиценти ҳам ошиб борди. Минерал ўғитлар фонида 40 т/га компостни киритиш билан кузги буғдойнинг озика элементларини ўзлаштириш коэффиценти азот бўйича – 41,54 %, фосфор бўйича –21,91 % ва калий бўйича – 30,71 % ни этди.

10. Минерал ўғитлар фонида 40 т/га компост қўллаш натижасида магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқларда кузги буғдой етиштиришда рентабеллик 28,5% га тенг бўлди, у ҳолда ўғитсиз назорат вариантыда рентабеллик 5,8 % ни ташкил этади.

11. Магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар шароитида компостларни тайёрлаш учун 1 тонна тамаки чиқиндисига 500 кг гўнг ва 100 кг фосфогипс қўшиш тавсия этилади. Бундай технология асосида тайёрланган компостлар тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

12. Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида тарқалган магний карбонатли шўрланган ўтлоқи тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг «Крошка» навини етиштиришда, юқори ҳосилдорликка эришиш учун компостларнинг 40 т/га меъёрини минерал ўғитлар фонида ( $N_{200}P_{150}K_{100}$ ) қўллаш тавсия этилади. Ушбу органик ва минерал ўғитларнинг мақбул меъёр ва турлари кузги буғдойдан 78 ц/га гача дон ҳосилини олиш имкони яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.25/30.12.2019.Qx/V.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**БОБОЕВА НАФИСА АСАТУЛЛАЕВНА**

**ЛУГОВЫЕ ПОЧВЫ ЗАСОЛЕННЫЕ КАРБОНАТАМИ МАГНИЯ И  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ИХ  
ПЛОДОРОДИЯ**

**06.01.04-Агрохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.PhD/Qx89.**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу (<http://www.soil.uz>) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Хошимов Фарход Хакимович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Саттаров Джуракул Саттарович</b> доктор сельскохозяйственных наук, академик Национальный университет Узбекистана  <b>Каримбердиева Амина Азимовна</b> кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно – исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка</b>

Защита состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 по присуждению ученой степени при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камаринисо 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за №\_\_\_). Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камаринисо 3. Тел. (998) 71-246-15-38.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от \_\_\_ \_\_\_ 2020 г.)

**Р.К.Кузиев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор

**Ж.М.Кузиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.с.х.н., старший  
научный сотрудник

**Н.Ю.Абдурахмонов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н.,  
старший научный сотрудник

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день «в мире общая площадь суши составляет 13,2 млрд га, из них 12 % используются для возделывания сельскохозяйственных культур. В мире всего 950 млн га земли, используемые для растениеводства засолены, в той или иной степени. Рекордные показатели по засоленности почв обладают страны Южной Америки, Африки и Азии. Карбонатное засоление занимает 1 млрд га земли по всему миру»<sup>1</sup>. В связи с этим, сохранение и повышение плодородия, улучшение мелиоративного состояния почв, засоленных карбонатами, путем внесения повышенных норм компостов в сочетании с минеральными удобрениями приготовленных из различных отходов производства и получение планируемый урожай сельскохозяйственных культур, что является актуальным.

В мире ведутся научные исследования по таким приоритетным направлениям, как улучшение мелиоративного состояния, сохранение и повышение плодородия засоленных почв. В связи с этим, особое внимание уделяется научным исследованиям по определению агрохимических, агрофизических и биологических свойств засоленных почв, улучшению агрохимических свойств, устранению неблагоприятных агрофизических свойств, созданию оптимальных условий для активности микробиологических процессов, путем совместного внесения органических удобрений вместе с минеральными, исследованию новых органических субстратов в условиях дефицита во всем мире традиционного органического удобрения навоза и по влиянию их на почвенные режимы засоленных почв.

В республике, в рамках государственных программ по улучшению мелиоративного состояния, сохранению, повышению плодородия и эффективного использования орошаемых засоленных земель, проводятся широкомасштабные научно – исследовательские работы и достигнуты определенные результаты. В Стратегии действий развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы «... внедрение эффективной системы использования удобрений, исходя из почвенно – климатических условий, путем принятия мер по сохранению и дальнейшему повышению плодородия почв»<sup>2</sup> определены как важнейшие задачи. Поэтому, улучшение агрохимического, агрофизического, биологического и мелиоративного состояний луговых почв, засоленных карбонатами магния в условиях Зарафшанской долины, путем внесения повышенных норм компостов на фоне минеральных удобрений при возделывании озимой пшеницы сорта «Крошка», имеет большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики за №

<sup>1</sup> <https://www.fao.org> 2019

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

